



**Leader  
Finance**

**mas'uliyati cheklangan jamiyati  
общество с ограниченной ответственностью  
limited liability company**

№ 107/06

«14» iyun 2021 y.

**«ЙЎЛҚУРИЛИШ»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ  
ТИЗИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ  
НАТИЖАЛАРИ ЮЗАСИДАН  
ХУЛОСА**

**Toshkent shahar – 2021 yil**

Общество с ограниченной ответственностью "Leader finance"  
100115, Республика Узбекистан, город Ташкент, Чиланзарский  
район, 3 квартал, дом 74 тел: +998 99 444-53-53, 797-53-53  
e-mail: [leaderfinance@bk.ru](mailto:leaderfinance@bk.ru), [info@leaderfinance.uz](mailto:info@leaderfinance.uz),  
[www.leaderfinance.uz](http://www.leaderfinance.uz)

"Leader finance" mas'uliyati cheklangan jamiyati  
100115, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Chilonzor  
tumani, 3-mavze, 74-uy tel: +998 99 444-53-53, 797-53-53  
e-mail: [leaderfinance@bk.ru](mailto:leaderfinance@bk.ru), [info@leaderfinance.uz](mailto:info@leaderfinance.uz),  
[www.leaderfinance.uz](http://www.leaderfinance.uz)

## «ЙЎЛҚУРИЛИШ» АЖ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Эмитент номи:	«Йўлқурилиш» акциядорлик жамияти
Юридик манзили:	Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳар, П.Махмуд 2-тор кўчаси, 26-уй.
Устав капитали (сўм):	95 133 160 000
Бир дона акциянинг номинал қиймати (сўм):	1 000
Чиқарилган акциялари сони:	95 133 160 дона оддий
Банк реквизитлари:	«Ипотекабанк» АТИБ Тошкент шаҳар филиали х/р: 20210000705283674001 Банк коди: 00419
СТИР:	307751303
Электрон почта манзили:	<a href="mailto:info@yulqurilish.uz">info@yulqurilish.uz</a>
Расмий веб-сайт:	<a href="http://www.yulqurilish.uz">www.yulqurilish.uz</a>
Телефон, факс:	+998 78 150 05 67

## «LEADER FINANCE» МЧЖ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Мустақил ташкилот номи:	«LEADER FINANCE» масъулияти чекланган жамияти
Юридик манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Ташкент шаҳар, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй
Устав капитали (сўм):	100 000 000 000
Банк реквизитлари:	АТБ «Агробанк» Тошкент шаҳар х/р: 20208000204018518001 Банк коди: 00394
Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш лицензияси рақами ва санаси	2019 йил 19 декабрда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан берилган, Т/Р: 1186
СТИР:	202562308
Электрон почта манзили:	<a href="mailto:leaderfinance@bk.ru">leaderfinance@bk.ru</a> , <a href="mailto:info@leaderfinance.uz">info@leaderfinance.uz</a>
Расмий веб-сайт:	<a href="http://www.leaderfinance.uz">www.leaderfinance.uz</a>
Телефон:	+998 99 444-53-53, 797-53-53

«Йўлқурилиш» АЖ билан 2021 йил 6 июндаги 234754-сонли консалтинг хизматларини кўрсатиш шартномасига асосан «Йўлқурилиш» АЖнинг корпоратив бошқарув тизимларини мустақил баҳолаш ўтказилди.

Корпоратив бошқарув тизимларини мустақил баҳолаш Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этилиши мақсадида ўтказилди.

Шу билан бирга, «Йўлқурилиш» АЖ корпоратив бошқарув тизимларини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланган саволномага ҳамда жамият томонидан тақдим этилган ахборотларга, шунингдек, Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) жамият томонидан жойлаштирилган маълумотларга асосан ўтказилди.

«Йўлқурилиш» АЖ раҳбарияти жамият томонидан тақдим этилган маълумотларнинг мазмуни ишончлилигига ва тайёрланишига масъулдир.

Баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомасига асосан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига, шунингдек, «Йўлқурилиш» АЖ ички корпоратив ҳужжатларига кўра ўтказилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида мустақил фикр ифодалаш ва шакллантириш учун етарлича маълумотлар олинди.

## ХУЛОСА

Ўтказилган мустақил баҳолаш натижаларига кўра, «Йўлқурилиш» АЖ корпоратив бошқарув тизимлари «юқори» деб этироф этилади, ҳисоб-китобларга кўра эмитент 628 балл тўплаган бўлиб, бу максимал натижанинг 52 %ини ташкил қилади.

### «Йўлқурилиш» АЖ корпоратив бошқарув тизимлари баҳоланишининг УМУМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/Р	Йўналиш	Саволлар сони	Мумкин бўлган баллар		Ҳақиқатда баҳо
			мин.	макс.	
1	Корпоратив бошқарув кодексини жорий қилишга тайёргарлик баҳоси	13	-135	135	135
2	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш баҳоси	37	-360	360	85
3	АЖ ташкилий тузилмасининг мувофиқлигига баҳо	3	-30	30	30
4	Танлов ўтказилишининг баҳоси	5	-45	45	5
5	МХХС ва халқаро аудит сатандардларига мувофиқ эълон беришга ўтиш баҳоси	3	-50	50	50
6	Замонавий бошқарув тизимларини жорий қилиш баҳоси (ISO, ERP, НИОКР ва х.к.)	5	-55	55	-55
7	Ахборот сиёсатига баҳо	5	-170	320	288
8	Молиявий натижаларга баҳо	4	-150	150	150
9	Бошқа йўналишларнинг баҳоси	25	-205	55	-60
<b>Жами:</b>		<b>100</b>	<b>-1200</b>	<b>1200</b>	<b>628</b>
<b>Фонд шкаласи бўйича якуний баҳо:</b>					<b>52%</b>

**Эслатма:** фаолият самардорлигининг натижалари бўйича қуйидагича баҳоланади:

**қониқарсиз** – агар тўпланган баллар умумий қиймати манфий (минус) 600 баллни ташкил қилса;

**паст** – агар тўпланган баллар умумий қиймати 0 дан пастни ташкил қилса, лекин манфий (минус) 600 баллдан паст бўлмаса;

**қониқарли** – агар тўпланган баллар умумий қиймати 600 дан пастни ташкил қилса, лекин 0 дан паст бўлмаса;

**юқори** – агар тўпланган баллар умумий қиймати 600 ёки йуқорини ташкил қилса.

«Йўлқурилиш» АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимларини баҳолаш натижалари бўйича ҳисобот ва корпоратив фаолият самардорлигини ошириш бўйича тавсиялар илова қилинади.